
Огоҳлантириш: Эртага, 18 июл куни Яйпан ГРС истеъмолчилари газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

“Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиали ва Фарғона УМГнинг тегишли хабарномаларига асосан эртага, **2024 йил 18 июл куни "Яйпан" ГРС тармоғида** торайтириш мосламаси (шайба)ни тафтишдан ўтказилиши муносабати билан мазкур тармоқдан фойдаланадиган аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга **соат 09:00 дан 17:00 га қадар** табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.

Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш сўралади.

“Худудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” газ таъминоти бўлими истеъмолчилардан вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

2024-07-17 21:28:28